

Эркан Кучук қайта ишланган материаллардан хаттотлик дурдоналарини яратди



08:00 / 04.03.2021 1770

Туркиялик Эркан Кучук мавжуд материаллардан ва хаттотлик маҳоратидан фойдаланиб, бадиий асарлар яратмоқда. Бу ҳақда islam.ru манбаси хабар берди.



Эркан Кучук қўриқчи бўлиб ишлайди. У ёшлигидан куфий хаттотлиги ўрганиб ҳозирда унинг сир асрорларини такомиллаштириб бормоқда.



36 ёшли қаҳрамонимиз ўз иши учун ғайриоддий материалларни танлайди. Мисол учун расмлар яратиш учун у қайта ишлашга қолдирилган шиша,

эски нометалл материалларидан фойдаланади.

«Бўш вақтимда иш жойларидан ва уйлардан олиб ташланган шиша ва нометалл буюмларни, шунингдек қайта ишланган компьютер мониторларидан олиб ташлаган плексигласни йиғиб, уйга олиб келаман. Тозалашдан кейин стаканни майдалаб, хаттотлик билан ишлайман. Кейин мен лед технологиясидан фойдаланган ҳолда ёритишни қиламан. Бу асарларга ўзгача чирой қўшади. Шу тарзда, мен 2 йил ичида тахминан 2 тонна қўлбола материални қайта ишладим, - дейди уста.



Хуршид Маъруф тайёрлади